

- **Илғор ҳудуд**
- **Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!**

### **КУН САЙИН КЎРКАМЛАШАЁТГАН АРНАСОЙ**

Айни кунларда Жиззах вилоятида мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 3 январдаги “Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Фармонига асосан “Илғор ҳудуд” синов лойиҳаси уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Яъни, вилоятдаги барча туманлар марказларидаги турар жойлар, бино ва иншоотлар, инфратузилма объектларини замонавий шаҳарсозлик ва меъморчилик талабларига мос тарзда қайта қуриш ва таъмирлаш, марказий кўчаларни кенгайтириш, муҳандислик коммуникацияларини янгилаш ишлари бажарилаётир.

Чунончи, вилоятнинг чекка Арнасой тумани марказида 1 та кўп қаватли турар жой барпо этилиб, 41 та кўп қаватли уйнинг томи, эшик ва деразалари, ичимлик суви, газ ва оқава тармоқлари янгиланди. Шунингдек, барча ташкилот ва муассасалар бинолари таъмирдан чиқарилди ёки янгидан қурилди. Ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Эътиборлиси, ушбу қурилишу ўзгаришларга республика Ички ишлар вазирлиги бош-қош, яъни соҳа масъуллари “Илғор ҳудуд” лойиҳасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилмоқдалар. Қурилиш маҳсулотлари таъминоти ёхуд молиялаштириш борасида камчиликлар кузатиладиган бўлса, бартараф этиш чоралари кўрилаяпти. Бундан ташқари Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимидаги идоралар маблағлари ҳисобидан туман марказида бир қанча бино ва иншоотлар бунёд этилди, таъмирланди.

Чунончи, вазирлик ҳомийлигида туман ахборот кутубхона маркази қуриб битказилди. Қурилишга 1 миллиард 600 миллион сўм сарфланган. 50 минг дона китоб сифимига эга марказда 24 ўринли ўқув зали ҳамда яна шунча ўринли электрон адабиётлардан фойдаланиш хонаси мавжуд.

Ўқув залидаги компьютерлар интернет тармоғига уланиб, WI-FIдан фойдаланиш учун шароит яратилган. Айни вақтда кутубхонадаги китоблар сони 9 мингтани ташкил қилади, йил охиригача 15 минг донага етказиш мўлжалланаяпти.

— Бу ердаги ҳар бир жиҳоз, ҳар бир буюм инсонни китоб ўқишга ундайди. — дейди ахборот кутубхона маркази раҳбари Нурали Аҳмедов. — Мисол учун овозли адабиётлар, яъни эшитиш йўли билан илмий ва бадий адабиётлардан фойдаланиш, мамлакатимизнинг йирик кутубхоналарига виртуал уланиш орқали миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан баҳраманд бўлиш имконияти яратилади. Ҳатто, мутолаа жараёнида қаҳва ичиш мумкин. Бино фаслга мос тарзда иситиб, совутилади, гардероб, тадбирлар уюштириш имкониятлари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бундай кутубхона вилоятимизда ягона, десам адашмайман. Ўзига

хос меъморий ечимга эга ахборот кутубхона маркази кун сайин гўзаллашиб бораётган туманимиз кўркига кўрк бўлиб кўшилди. Республика Ички ишлар вазирлиги арнасойликларнинг билим олишлари, китоб ўқишлари учун ажойиб имконият яратди. Бу тадбир натижаси фарзандларимизнинг олий ўқув юртларида таълим олишлари, юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган комил инсонлар бўлиб улғайишларида намоён бўлади, десам адашмайман.

Ахборот кутубхона марказининг қаршисида жойлашган Арнасой тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ҳам Ички ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан бунёдга келтирилди. Замоनावий кўриниши билан киши эътиборини тортмасдан қолмайдиган мазкур бинода ходимларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва дам олишлари учун қулай шароитлар яратилган. 18 ўринли маърифат зали йиғилиш ўтказиш ҳамда шахсий таркибнинг билимини ошириш учун хизмат қилади.

Ички ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан қарийб яроқсиз ҳолга келиб қолган 5- сонли “Наврўз” мактабгача таълим ташкилоти ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. 140 ўринли ушбу тарбия масканида болаларнинг билим олишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Кутубхона, сузиш хавзаси, санъат зали юзага келтирилган.

— Энди муассасамизда инглиз ва рус тиллари, мусиқа, бадий гимнастика, сузиш машғулотларини сифатли ташкил эта оламиз, — дейди муассаса мудираси Адолат Бердиева. — Бир қанча мусиқа асбоблари ва 300 дан ошиқ китобларимиз бор. Кутубхонамизни янада бойитишни режалаштирганмиз. Болаларнинг дам олишлари, сифатли овқатланишлари учун барча шароитлар яратилган, маиший техника ва мебеллар билан таъминланганмиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги майдончамиз ҳам бор. Қисқа айтганда, муассасамиз замон талабларига мосланди. Фарзандларимизга ана шундай шароитларни яратиб берган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъуллари, хусусан, вазиримиз Пўлат Бобожоновдан бениҳоя миннатдормиз.

“Наврўз” мактабгача таълим ташкилотининг капитал таъмири учун 1 миллиард 80 миллион сўм йўналтирилди. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси эса бундан-да кўпроқ маблағ сарфлаб, ҳудуддаги 140 ўринли “Ғунча” мактабгача таълим ташкилотини капитал таъмирдан чиқарди. Натижада ушбу муассасада ҳам ҳавас қилгудек шароитлар юзага келтирилди.

Дарвоқе, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларнинг кечаси қулай ҳаракатланиши учун туман марказидаги 41 кўп қаватли уйнинг ҳар бир йўлагига жами 111 та ҳамда Аҳмад Яссавий, Тошкент, Самарқанд, Алишер Навоий, Халқлар дўстлиги, Нормурод Холмуродов кўчаларига 100 та чирок ўрнатилди.

— Арнасой туманида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида 100 дан ошиқ техникалар, 6 минг нафарга яқин қурувчилар қатнашяпти, — дейди Арнасой тумани ҳокимининг ўринбосари

Рўзимурод Бобоев. — Натижада туман маданият саройи, туман дехқон бозори, атошоҳбекат каби 40 дан зиёд бино ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари таъмирланди, 24 та ташкилот ва корхона учун янги бино қурилди. 38 та савдо, маиший хизмат ва ишлаб чиқариш шохобчалари ишга туширилди. Шунингдек, 3 та саноат корхонаси фаолияти йўлга қўйилаяпти. 5 километру 200 метр йўл таъмирланди, 18 километр ичимлик суви қувурлари тортилди. 1,5 километр оқова сув учун лотоклар ўрнатилди. 11 гектар майдон ободонлаштирилиб, 24 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Очиги, республика Ички ишлар вазирлиги ва Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси яқиндан ёрдам бермаганда бу ишларни бугунги суръат ва самара билан амалга ошира олмаган бўлардик.

Айтганча, республикаимиз Мустақиллигининг 28 йиллиги нишонланадиган қутлуғ сана арафасида Арнасой тумани марказида 10 дан ошиқ ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди. Яна кўплаб иншоотларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этаётир. Ушбу бунёдкорликлар Арнасойни юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан бирига айлантирди, десак муболаға бўлмайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
**“Postda” мухбири.**  
**Жиззах вилояти.**